

ХАЛҚЛИК СЎЗИ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING GAZETASI

23 май, пайшанба, 1996 йил
Сотувида эркин нархда. № 101 (1354)

ЛАТВИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФИ БОШЛАНДИ



Ўзбекистон ва Латвия ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Хусусан, ҳозир Латвиянинг 20 дан зиёд ҳиссасдорлик жамиятлари, фирма ва компанияларининг мамлакатимизда фаолият кўрсатаётгани, Ўзбекистон-Латвия қўшма корхоналари сонининг тобора ортиб бораётгани фикримиз далилидир. Ўзбекистон Президент Ислам Каримовнинг ўтган йили Латвияга ташрифи чоғида имзоланган ҳужжатлар ушбу ҳамкорлик ри-

вожи учун муҳим ҳуқуқий асос яратди. 22 май кунги Латвия Республикаси Президенти Гунтис Улманиснинг Ўзбекистонга расмий ташрифи бошланди. Латвия Президентига йирик талбиркорлар ва журналистлар гуруҳининг ҳамроҳ бўлиб келгани ушбу ташрифининг ўзаро ҳамкорлигимиз истиқболларини белгилаш, қолаверса, халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштиришда муҳим ўрин тутиди дарах беради.

Латвия Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида Латвия Республикаси Президенти Гунтис Улманисни расмий кутиб олиш маросими бўлиди. Латвия Республикаси Президенти Гунтис Улманис ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Уткир Султонов, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва бошқа расмий кишилар кутиб олади. Юқаск мартабали меҳмонга миллий либосдаги қизлар анвойи гуллар тақдим этиди. Автомашиналар карвони Латвия ва Ўзбекистон давлат байроқлари ҳилпираб турган



Тошкент кўчалари бўйлаб Дўрмондаги қароргоҳ сари йўл олди. Дўрмондаги қароргоҳда Латвия Республикаси Президенти Гунтис Улманисни расмий кутиб олиш маросими бўлиди. Латвия Республикаси Президенти Гунтис Улманис ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шоҳсулуға кўтарилишди. Латвия ва Ўзбекистон давлат Мадҳиялари янгради. Президент Гунтис Улманис ва Президент Ислам Каримов фаррий қорувул сафи олдидан ўт-

дилар. Шундан сўнг, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Латвия Президент Гунтис Улманиснинг яккама-якка суҳбати бўлиди. Икки давлат раҳбари ўзаро суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, минтақавий ва халқаро муаммолар билан боғлиқ баъзи масалалар юзасидан фикрлашдилар.

СУРАТЛАРДА:
кутиб олиш пайти.
Р. ШАГАЕВ олган суратлар.
(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 май кунги АҚШнинг «Кейс» корпорацияси вице-президенти Леополд Платтнерни қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбари икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ривожига АҚШ компания ва фирмалари алоҳида ҳисса қўшаётганини таъкидлади. — Ҳамкорликнинг амалий жараёни ҳар икки томоннинг имкониятлари билан танишишдан бошланади, — деди Президент Ислам Каримов жумладан. — Шу маънода «Кейс» корпорациясининг илғор технологиясини ҳамда Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти самара-



ли ҳамкорлик истиқболлини таъминлаши шубҳасиз. Суҳбат чоғида қишлоқ ҳўжалиги техникаси ва технологиясини ривожлантириш борасида ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Уткир Султонов, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси Рустам Азиев иштирок этди. СУРАТДА: қабул пайти. А. ТУРАЕВ олган сурат. (ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING FARMOIYISHI

Вазирлар Маҳкамасининг «Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» 1996 йил 3 январдаги 6-сон қарорига мувофиқ:

1. Бухоро вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг: Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига Калон масжидини таъмирлаш ишларини ташкил этиш ва яқунлаш; таъмирлаш ишларини маблаг билан таъминлашда Ўзбекистон мусулмонлари идораси — 20 миллион сўм, Маданият ишлари вазирлиги — 40 миллион сўм, Бухоро вилояти ҳокимлиги, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ҳамда хусусий шахслар — 46 миллион сўм миқдорда улуғ қўшиб қатнашишлари; Калон масжидини таъмирлаш туғаллангандан кейин масжидни Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги балансида Ўзбекистон мусулмонлари идораси балансида ўтказиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг «Ўзтаъмиршўнослик» институтига Калон масжидини таъмирлашга оид лойиҳа-смета ҳужжатларини бир ой муддатда тайёрлаш топширилсин ва мазкур институт — бош лойиҳаловчи; Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси — буртмачилар; Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Узроққурилиш» давлат бирлашмаси ва бошқа ташкилотлар — бош лойиҳачилар этиб белги-лансин.
3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ишларини таъминлаш учун республика бюджетидан 40 миллион сўм ажратсин.
4. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Адлия вазирлиги Давлат мулк қўмитаси, тегишли ҳокимликлар ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан бирлашди давлат мулк ҳисобланадиган ва унинг муҳофазасида бўлган республика диний биноларини Ўзбекистон мусулмонлари идорасига бериш ҳамда улардан мазкур идора томонидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоми лойиҳасини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.
5. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1989 йил 23 февралдаги 56-сон фармойиши (Калон масжиди масалаларига оид қисми) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
6. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И. КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
1996 йил 22 май.

ЭКИНЛАР ПАРВАРИШИ НЕГА КЕЧИҚЯПТИ?

Самарқанд вилояти Гузалкент тумани фаолларининг йиғилиши бўлиди. Унда гўза ва дон экинлари парварошишни кўчатиришни, галла ўрми-йиғилишга тайёргарлик масалалари муҳокама этилди. Йиғилишни вилоят ҳокими А. Мардиев бошқарди.

Сўзга чиққанлар ўтган йили туманда пахта ва галла ҳосилдорлиги паст бўлиб, белгиланган режалар уддаланмай қолганини эслатиб ўтдилар. Афсуски, жорий йилда ҳам бу борала жиддий камчиликлар такрорланмоқда. Гўза парварошида ўта сусткашликка йўл қўйилмоқда. «Навбахор», Шароф Рашидов номидаги, «Дўстлик», «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалиқларида аҳвол, айниқса, ачинарли. Галлачиликда ҳам аҳвол шундай. Жойларда мавжуд ишчи кучи ва техникадан тўлиқ фойдаланилмаётир, далада ишловчилар учун етарли шароит яратилмаган. Йиғилишда ана шу камчиликларга тезда барҳам бериш чора-тадбирлари белгиланди. Республика Бош вазирининг ўринбосари Р. Гиниятуллин йиғилишда сўзга чиқди. (ЎзА).

Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмасида очилган кўргазмада намойиш этилаётган 10 нафар ёш rassomning асарларида Она-Ватан мавзуси, сўлим табиат манзаралари акс этган. Кўргазма «Камолот» республика ёшлар фонди ҳамда Ўзбекистон Рассомлар Уюшмаси ҳамкорлигида тайёрланган.

Кўргазмада намойиш этилаётган лётган Неймат Жўраев, Ольга Залескалар мустақилликнинг беш йил-

ВАТАН СИЙМОСИ — ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР НАЗДИДА

лигига бағишланган бўлиб, уларнинг бош мавзуси — табиат гўзаллигини она-юртга бўлган самимий меҳр-муҳаббат билан уйғунликда тасвирлашдан иборатдир. Турли услубда бажарилган ишлар, бўёқларнинг нафис ҳамда ранг-баранглиги томошбинини беихтиёр жалб этади. Кўргазмада асарлари намойиш эти-

лари ёш rassomларнинг номи нафақат Ўзбекистонда, балки чет элларда ҳам машҳур. Уларнинг асарлари нуфузли галерейларда намойиш этиб турилади, шахсий коллекцияларда сақланади. Бу кўргазма — ёш ижодкорларнинг истеъдодларини қадрлаш учун ташланган дастлабки қадамдир. (ЎзА).

ХАЛҚ ҚАЛБИНИНГ КЎЗҒУСИ

Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмасида бўлиб ўтган учрашу мавзусини Ўзбекистон ва Япония ўртасида халқ амалий санъатини ривожлантириш муносабатлари ташкил этиди.

Уюшмада республикамиздаги ижодий ташкилотларнинг вакиллари ҳамда Япониянинг Халқаро маданий ҳамкорлигини янада яқинлаштириш бўйича жамияти раиси Мори Мика хоним бошчилигидаги делегациясини меҳмон бўлиди. Учрашу иштирокчиларига ўзбек халқ ўшиқ ва рақслари, фольклор гуруҳларининг томошалари тақдим этилди.

Учрашуда Япониянинг Ўзбекистондаги Факултада ва Мухтор элчиси Укеру Магосаки иштирок этди.

Покстоннинг Карачи ва Лоҳур шаҳарларида тез орада «ЭКОСА» халқаро экология ва саноатлик жамғармасининг бўғимлари очилади. Ҳукуматга қарашли бўлмаган мазкур ташкилот фаоллари, эколог олимлар, Покстон Ислам Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари Тошкентдаги учрашуида шу ҳақда келишиб олинди.

ЯНГИЛИКЛАР

«Халқ сўзи» ва «ЎзА» мухбирлари хабар қиладилар

Хамма ерда бўлгани каби Музробод туманидаги «Бешкўтон» жамоа ҳўжалигида ҳам ишчи экин авжюда. Бу йил ҳўжаликда шолчиликка 1935 гектар майдон ажратилган. СУРАТДА: шолчиқлар Ҳайитгул ва Матлуба Қўноновалар. И. ХЎЖАЕВ олган сурат. (ЎзА).

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Миср Араб Республикаси элчихонасининг фан ва таълим маркази Маннон Уйгур номидаги Тошкент давлат санъат институти билан бирга «Яқин Шарқ ва Марказий Осиё маданиятларининг ҳамкорлик йўли» мавзюда илмий-амалий анжуман ўтказди.

Унда сўзга чиққанлар мамлакатларимиз ўртасида фан, маданият ва санъат соҳасидаги алоқалар ривожланиб бораётгани ҳақда гапирдилар.

Анжуманда Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Муваққат ишлар вакили Абдулгани Муҳаммад Абдулгани иштирок этди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Солиқчи саҳани бош бошқармаси «Ҳамира» — 96 кўрктанови ўтказди.

Асма Исрофов туманидаги 7-класхона ҳамшираси Гунора Қориева биринчи ўринни эгаллаб, кўрктановининг республика бўйича қатнашини ҳўжалик қўла қиритди. Мукоба иштирокчиларига «Солиқчи алоқ учун», «ЭКОСА» халқаро жамғармалари ҳамда танлов ҳўжалиқларининг муҳофизати ва соғламли топшириди.

Кўкonda қоғоз ааррак учирши бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Унда икки юз нафар ўқувчи қатнашди. Биринчи ўрин йиғирманчи мактаб ўқувчиси К. Аҳмедовага насиб этди.

СОЛИҚЧИЛАРНИНГ ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ

Наманган вилоят солиқ бошқармасида ишонч телефони ишлаб бошлади.

Энди вилоятдаги ҳар бир фуқаро саноқли дақиқаларда солиқ назорати фаолияти ва солиқ тўлаш қонун-қондиларни тўғрисида батафсил маълумот олиш имконига эга бўлди.

Ишонч телефони фақат маслаҳат бериш билан чегараланмай, телефон орқали солиқчиларни савдода тартиб-қондиларнинг бузилаётганидан ҳам хабардор қилиб туриши мумкин. Олинган барча маълумотлар жиддий текширилади.

УЧ БАРАВАР КЎПАЙДИ

Андижон вилояти Бадиқчи туманидаги Чинобод ип-йиғирив ва тўқув ҳиссасдорлик жамиятида ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш саноқли уч баравар кўпайди.

Бунга корхонани қайта жиҳозлаш, замонавий дастгоҳлар ўрнатилиш ва илгор технологияни жорий этиш натижасида эришилди. Шу мақсадлар учун 35 миллион сўм сарфланди. Ҳозир бу ерда ҳар ойда 500 минг метр газлама тўқилмоқда, 110 тонна калава ип чиқаришмоқда.

АҚШдаги «Донавант энтерпрайзес» фирмасидан таширив буоран бир гўрўх мутахассислар Чинобод пахта тозалаш заводда қайта ишланган 900 тонна товлани кўздан кечириб, уни жаҳон бозори нархлари даражасида сотиб оидилар. Бу эса корхонага катта фойда келтириш билан бирга унинг обрў-эътиборини ҳам оширади, албатта.

ЯНА БИР НОДИР КЎЛЭЗМА

Бухоро давлат музей-кўрқихонасидаги соҳибқирон Амир Темур даври билан боғлиқ тарихий манбалар қаторига яна бир нодир кўлэзма қўшилди.

Араб алифбосида форс-тожик тилида битилди, «Темурнома» деб номланган бу китобда Шарофиддин Али Ялдий, Хондамир сингари тарихчиларнинг Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлари мавжуд. 1896 йилда Бухоро амири Аҳдхон даврида кўчирилган бу асар ўз талқинчиликларини кўтмоқда.

Тахитов дон маҳсулотлари заводда 25 ўринли санаторий-профилакторий дастлабки беморларни қабул қилди. Барча кузайликларга эга бўлган бу шифохона комбинат очик турдаги ҳиссасдорлик жамиятига айланган ҳиссасдорлик туғайли қурилади. Чунки мулк шакли ўзгаргач, маҳсулот ҳажми ошди, сифати яхшиланди. Фойда ҳам шунга яраша кўпайди.

Бу йил Фаргона галлакорлари ҳосилнинг асосий қисмини комбайнлар ёрдамида йиғитириб олади.

Вилоят «Агромашинервис» ҳиссасдорлик бирлашмаси тизимидаги 700 дан ортқ комбайн мавзюга шай қилиб қўйилди. Ҳисоб-китобларга қараганда, улардан уч сменида унумли фойдаланиш ўрми-йиғилиши 23 иш кунюда тўполан имконини беради. Шу мақсадда жойларда 52 та кўлма таъмирлаш бригадаси ташкил этилди. Далада ишловчилар учун барча маданий-маърифий шароит яратилмоқда.

УЧ БАРАВАР КЎПАЙДИ

Андижон вилояти Бадиқчи туманидаги Чинобод ип-йиғирив ва тўқув ҳиссасдорлик жамиятида ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш саноқли уч баравар кўпайди.

Бунга корхонани қайта жиҳозлаш, замонавий дастгоҳлар ўрнатилиш ва илгор технологияни жорий этиш натижасида эришилди. Шу мақсадлар учун 35 миллион сўм сарфланди. Ҳозир бу ерда ҳар ойда 500 минг метр газлама тўқилмоқда, 110 тонна калава ип чиқаришмоқда.

Нуқусда бўш иш жойлари ярамракис бўлди. Ундан асосий мақсад — ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш, кўнсулдагидек иш қидириб юрганларга касбига лойиқ иш топиб бериш эди.

Натижада саксондан зиёд йиғитчи ишга жойланди, қизиққанлар меҳнат қонунлари ва бошқа ҳўқуқий саволлар бўйича керакли маслаҳат олиш имконига эга бўлди.

Сўхондарё вилоятининг Қумқўртон қишлоғида етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган кишилар шахматни севади. Улардан бу мезҳри бутун умри шу қишлоқда ўқитқоччилик қилган Парда Усанов тарихчилик билан бирга шахматни севади. Унинг ҳаёт йўлида етмиш ёшга тўлган бўлар эди. Шу муносабат билан бу ерда П. Усанов хотирасига бағишланган шахмат муносабати ўтказилди. Унда юзга яқин шахматчи беллашди. 15 ёшли Парда Нурбоев ва 64 ёшли пенсияер Аслим Матқодиров фахрли ўринни қўла қиритди.



БИЗНЕС МАКТАБИ

Долзарб мавзу

— Носиржон Собирович, Ўзбекистон Президентининг Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ўтган йилнинг июнида «Бизнес-фонд»ни қайта тузиш чоғида «Мадал» сугурта агентлиги ҳам янгида ташкил этилди. Мақсад кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадол ривожлантириш эди. Шу мақсад рубча чиқарганими?

— Гарчи «Бизнес-фонд» ҳам, «Мадал» ҳам дафъатан янгида ташкил турига ўтган бўлса-да, шу қисқа давр ичида маълум иш тажрибасига эга бўлди. Ҳозиргача бир минг икки юздан зиёд тадбиркорнинг лойиҳаси пухта ўрганилиб, кредит олишлари учун уларга сугурта полиси (гуювоҳномаси) берилди. Хужжатларни баёни қилиб, биздан кредит олган кўпгина тадбиркорлар бугунги кунда ишлаб чиқариш фаолиятларини бошлаб юборганлар. Чунки, Навоий вилоятидан Асад Рустамов жунни калаваловчи заводни қурди. У ишга тушгач, нафақат вилоятдаги жунни қайта ишлаш муаммосини ҳал этди, балки бу фирма иши билан Германиядаги ишбилармонлар ҳамкорлик алоқаларини ўрнатмоқчи. Намангандаги «Шаме ЛТД» фирмаси туртут ишлаб чиқариш корхонасини барпо этиш учун кредит олиб, ишга киришганига анча бўлди. Бундай мисолларни кўп-кўп келтириш мумкин.

Ўрганилади. Табиийки, бунинг учун маълум вақт кетади. Тадбиркор бош бўлган корхонанинг Низоми асосий ҳужжат ҳисобланиб, уни фуқаролик паспортига қийсдаш мумкин. Шу нуқтан назардан қараганда, тадбиркорнинг бу ҳужжати тўғрисида ишонч ҳосил қилиш учун синчиклаб ўрганилади ва шубҳа тугилган тақдирда қайта суриштирилади. Корхонанинг баланси тадбиркорнинг иш фаолиятини белгиловчи муҳим ҳужжатдир. Чунки унинг сармоёси бор-йўқлигига шу балансга қараб ишонч ҳосил қилинади. Тадбиркор тақдим этган

Мана сизга бир мисол. Тошкентдаги «Хохинур» фирмаси 1995 йил ноябрь ойида чинини ишлаб чиқариш мақсадида олган 2 миллион сўм кредит маблағининг 500 минг сўминини илгарти қарзи учун тўлаган. Худди шунга ўхшаш «Уарго» фирмаси тегирмон қуриш баҳонасида олган 800 минг сўмнинг бир қисmini эски қарзига тўлаб юборган. Қорақалпоғистондаги «Арман» фирмаси раҳбари Руслан Ҳасанов «Томат пастаси ишлаб чиқаришни йўлга қўям» деб 5 млн. сўм кредит олган ва уни бошқа мақсадларга ишлатиб юборган. Бизга қалбаки ҳужжат кел-

олаётти, ҳужжатларни қонуний расмийлаштириш жараёнини қўйиб юбормоқда. Масалан, Тошкент атрофидан бир тадбиркор сутни қайта ишлайдиган завод қураман, деб кредит олишга лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб келибди. Экспертларимиз шу жойга чиқиб шароитни ўрганишганида маълум бўлдики, ўша сут заводи қуриладиган жой атрофида сут топишувчи бирон-бир тайинли мижоз йўқ экан. Бунинг устига ўша тадбиркорнинг хомчўрига қўра, сутни аҳолидан 6 сўмдан қабул қилиб олмақчи. Ҳозирги шароитда қайси ҳужжатлик ёки хонадон сутни 6 сўмдан

борилмоқда. Бундан ташқари, чет эл фирмаларида тайёрланган технология лойиҳаларини ташвиқот қилишни йўлга қўймоқдамиз. Шу мақсадда энг мақбул лойиҳалар альбомини тайёрлашмиз. Тадбиркорлар уларни қўздан кечириб, ўзларига маъқул бўлганини танлайдилар ва биз билан маслаҳатлашдилар.

УЧ ХОДИМ БРИТАНИЯДА МАЛАКА ОШИРДИ

— Ўзбекистон сугурта тизимининг келажagini қандай тасаввур этасиз?

— Сугурта ташкилоти — бозор миқтисодига тўла ўтган мамлакатларда энг зарур ташкилотлардан бири ҳисобланади. Хорижда бу тизим ҳар томонлама мукамал ва кенг ривожланган бўлиб, унинг нуфузи ҳам, нафи ҳам жуда салмоқли, у билан ҳамкорликда ишламайдиган соҳанинг ўзи йўқ. Амминиз-ки, яқин келажакда бу иш Ўзбекистонда ҳам кенг қулоч ёяди.

— Бунинг учун малакали кадрларни тайёрлаб бориш лозим, шундайми?

— Албатта, бизнинг кенгайтириб, фаолиятини такомиллаштириб бўлмайди. Ҳозир бизда малакали кадрларнинг етишмаслиги сезила бошлади. Шу боис ҳодимларимизни ўқитаямиз, малакаларини ошираямиз. Марказий аппарат ҳодимларининг ўқуви ташкил этилди. Вилоят бўлинулари раҳбарлари муовинларининг иш ўрганиш сафарлари уюштирилди. Агентликнинг уч ходими Британия сугуртачилари ассоциацияси ташкил этган машғулотларда қатнашди.

Агентликнинг истиқболлини кўзлаб, ҳодимлар резервини тайёрлаб бориш тадбирлари белгилаб олинди. Шу мақсадда Тошкент давлат иқтисодий университетини ва Тошкент давлат молия институтини билан фаолиятимизни турли соҳаларга доир узоқ йилларга мўлжалланган манфаатли ҳамкорлик шартномалари тузилди.

«Халқ сўзи» мухбири А. ЙЎЛДОШЕВ суҳбатлашди.

«ОДАМЛАРГА ЁРДАМИМ ТЕТСА»



Челяк туманидаги «Чорвадор» кичик фермер хўжалиги чорваларни бузуни кунда 50 бош қорамол, 20 бош қўй-қўзи, 100 дан зиёд ўрдак-товуқлар боқшайпти, 0,5 гектар майдонда бунёд этилган боғ ҳам айни мезога кирган.

Утган йил фермер хўжалиги давлатга 45 тонна сўт, 7 тонна сўт, 5 тонна галла топширган эди. Бу йил улар мана шу кўрсаткич янада оширишга бел болашган.

Хўжалик етакчиси Маммур Мухторов — савобталаб инсон. Яқинда Мақсаддан ҳожи бўлиб қайтган отахон доимо «одамларга ёрдам тетса» деган илти билан яшайди. У қишлоққа 2 километр масофадан газ қувири тортиб келтирди. Бугунги кунда у кишининг ташаббуси билан тумандаги А. Навоий номи хўжалигининг ишфохонаси сўт билан таъминланаяпти.

СУРАТЛАРДА: шу хонадоннинг келинлари Соҳидяхон ва Қомилахонлар иш устида; кичик чорвадор бунёд экан.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олаган суратлар.



ДУНИЁ ОНГ
СЎНГИ
БОКЕАЛАР

МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ ФИКРИ

Буюк Британия мудофаа вазири М. Портмилло Чехия ташқи ишлар вазири Й. Желенц билан учрашувдан сўнг бўлиб ўтган матбуот анжуманида НАТОнинг Шарқий мамлакатлар томон кенаяши Европанинг янгида булишига олиб келмаслигини айтди. «Биз Европа хавфсизлиги масаласида ишбу ҳудуддаги барча давлатларга дахлдор бўлиб қолишни хоҳлаيمиз», деди у.

МАМЛАКАТ МАНФААТЛАРИНИ ХИМОЯ ҚИЛИБ

Президентни Билл Клинтон Вашингтонда бўлиб ўтган Осиё ва Тинч уммони ҳудуди билан ҳамкорлик масалаларига бағишланган анжуманида савдо маромида ХХРга бир қадар сезиларли даражада қўлайликлар яратиб ҳақиқат қарорини маълум қилди. Б. Клинтон ишбу қарор ҳар икки томонни савдо бозорига изоляция жараёнига юз тутишининг олдинки олиш, қўлаверса, Американинг иқтисодий манфаатларига пухтур етказмаслик мақсадида қўлаб қўлланганини айтди.

ҲОЗИРЧА БИР МАСАЛАДА КЕЛИШИЛДИ

Вашингтонда бешта давлат — АҚШ, Франция, Испания, Ливан ва Сурия делегациялари Исроил ва «Хезболла» жағирлари уртасидаги тартиб-тамоми бўйича битими назорат қилиш билан боғлиқ музокараларини давом эттирдилар. Ҳозирча битма масала бўйича уларнинг фикрлари умумийдир. У ҳам бўлса, халқаро кузатувчилар учун Ливан жанубида «ҳимоя зона»сини яратиб керак бўлади ва уларнинг ишини Франциянинг АҚШ, Франция ўз зиммасига олади.

БУДДА ИБОДАТХОНАЛАРИ БЕКТИЛДИ

Хитойдаги Тибет автономия раёони ҳукумати ушбу тумандаги барча йирик будда ибодатхоналарини бекитиб қўйди. Бунинг асосий сабаби шу йилнинг май ойи бошларида тумандаги роҳибларнинг Хитойга қарши ушбу тумандаги ҳаракатлари, деб хабар берди РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси. Ушбу ҳаракатлар марказида «Ганден» ибодатхонаси роҳиблари турган. Ибодатхона таъмирини қилган Хитой инспекторини роҳиблар томонидан қалтаклангани кейинги ҳаракатлар учун туртки бўлган. Ушбу наҳуш воқеа оқибатида 40 нафар роҳиб жабр чекади, улардан бир неча ўн нафари қамоққа олинган.

СПИДГА ҚАРШИ МАБЛАҒ

Жаҳон банки Хитойга СПИДга қарши кураш учун 10 миллион доллар маблағ ажратди. Бу хабар Хитой сўзсизларига хабар берибди. Маблағ асосан Юннан провинциясида яшайдиган СПИДга чалинган беморларнинг даволаш ва касалликнинг олдини олишга сарфланади.

НОЁБ МИЛЛИЙ ТАОМ ТАҚИРҚЛАНДИ

Калифорния ресторанининг бирда шпинат япон миллий таоми — котаманнадан захарланди. Бу таом Япониянинг ўзидан таққиланган бўлиб, уни тайёрлаш жараёнида ўзига хатога йўл қўйилса ҳам, истеъмол қилган киши захарланиб ўлиши мумкин.

КРЕДИТ — ТУЛНИ ҲАВОГА СОВУРИШ ЭМАС

Республика «Мадал» сугурта агентлиги бош директори Н. ЮСУПОВ билан мулоқот

лоийҳанинг аниқлиги, асослиги ва ўзини ўзи оқлаш унинг бизнес-режасига қараб белгиланади. Демак, тадбиркорнинг ўзи бошламоқчи бўлган ишга қай даражада жиддий ёндашгани, бунинг улдасидан чиқиб-чиқмаслиги ана шу бизнес-режага қараб баҳоланади.

Энди тадбиркорнинг қарзи бор-йўқлиги ҳақидаги банк маълумотномасига келсак, у шунинг учун керакки, айрим эгри кўнгли тадбиркорларнинг имтиёзли кредит олишларидан мақсади илгарти қандайдир номъялум қарзларидан қутулишдир.

Юқоридаги ана шу тўртта ҳужжатга қараб, тадбиркор олган кредитларини аниқ мақсадлар учун ишлатилишига тўла ишонч ҳосил қилишимиз керак. Агар биз бу ҳужжатларнинг биронтасига лоқайд қарайдиган бўлсак, ноҳус фактларга дуч келишимиз мумкин. Бу масаланинг энг муҳим томони шундаки, тадбиркор олган кредитини қайтаролмай қолган тақдирда, унинг 90 фоизини «Мадал» сугурта агентлиги тўлашини унутмаслигимиз керак.

тираётганлар тўғрисида ҳам бир мисол. Ҳазораси туманидаги «Илдох» фирмаси директори Пирназар Отажонов ўзида йўқ мол-мулкларни балансида тикширтгани устига, шу тумандаги 24-ўрта мактабининг думалоқ муҳурини солиқ назорати томонидан қўйилган муҳр ўрнига босиб келган. Охтанарон туманидаги бир «ишбилармон» солиқ инспекцияси муҳри ўрнига бошқа бир ташкилотнинг муҳурини билинар-билимас қилиб уриб олиб келган. Маълум бўлишча, унинг балансида бир мири ҳам йўқ экан.

Тадбиркор эса масаланинг бу томонини ўйлаб қўрмаган. Бошқача қилиб айтганда, у бизнес-режа тузишни билмайди ёки юрориди-ги мисолларда келтирганимиздек, кредит олишдан мақсади бошқа...

ХУКУКИЙ САВИЯНИНГ ПАСТАЛИГИ...

— Тадбиркорнинг ҳукукий асоси, яъни қонун ва қарорлар етарли бўлишига қарамай, бу соҳани ихтиёр этганларнинг ҳукукий ва иқтисодий билimleri саё. Уларга ана шу хууседа ёрдам қўрсатиш ҳам керак. Бу борада қандай ишлар қилинапти?

— Ҳукукий ва иқтисодий савиянинг пастлиги кўлимизни ушлаяпти, вақтимизни

сотида? Ваҳоланки, сўт дўконининг ўзида 18-20 сўм бўлиб турибди. Тадбиркор давлат берган кредитга заводни қуриб қўйиб, нимани қайта ишлайди?

Еки Қашқардаги воқеани олиб кўрайлик. Бир тадбиркор спирт заводи қуришни мақсад қилиб, ҳужжат тўғрिलाб келибди. Ваҳоланки, худди шу жойда бошқа шундай завод қурила бошланган. Иккинчи завод ҳам қуриلسа, хомашё етасидими?

Тадбиркор эса масаланинг бу томонини ўйлаб қўрмаган. Бошқача қилиб айтганда, у бизнес-режа тузишни билмайди ёки юрориди-ги мисолларда келтирганимиздек, кредит олишдан мақсади бошқа...

Шуларни ҳисобга олиб, биз кейинги пайларда тадбиркорларга ҳукукий томондан ҳам ёрдам беришга интиларимиз. Бир қатор консалтинг фирмалари билан шартномалар туздиқ. Услубий қўланмалар тайёрлаб, вилоятлардаги бўлинулариимизга тарқатдик. Жойларда ўтказилган машғулот-кенгашларда тушунтириш ишлари олиб

рилган бозор (бевоқифа биржа савдоси)нинг ҳам, ташкиллаштирилмаган биржалдан ташқари бозорнинг ҳам фаолият қўрсатишининг мустақил янги тамойил мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва қимматли қоғозлар тўғрисида» ва «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, шу пайтлардаги биржа фаолиятининг ишида фақат воситачилар — дилер ва брокерлар иш-

та роль ўйнайди. Шу муносабат билан ўтган йилдан бошлаб тегишли тайёрликлардан сўнг банклар биржа ишида қатнашадиган бўлишга қўлай бўлибди. Бундан улар нафақат ўзларининг, балки дилер ва брокерлар ролини бажариб, ўзгаларнинг акцияларини ҳам сотдилар. Натيجида биржалдан савдо ҳам кескин ошди. Негаки, банклар тизимисидан биз энди қатта саломқилди, хоҳлаган йирик акцияларнинг сотиб олинган, уларнинг маълум вақт қақлаб туриб, қайталан савдатнинг йирик инвесторларга эга бўлдиқ. Бу, сўз-си, иқтисодий бозорни ривожлантирди, уни ишлаб чиқаришни дастлабки иқтисодий натижаларни қўрсатмоқда.

Қонунда ўз аксини топган иккинчи муҳим нарсаси шунки, биржа бозорини ривожлантириш, яъни аҳолига қўлайлик акциялар сотиш ва уларни сотиб олиш назарда тутилган.

Воқеанич, маслаҳатчи ташкилотлар, инвестиция компаниялари ва фондларнинг фаолият шакллари қонунда белгилаб қўйилган. Қимматли қоғозларнинг ҳисобга олиш ва ишраини таъминловчи депозитор фаолият, шунингдек, акционерлар реестрини олиб бериш ташкилотларга эга солинган. Бу нормалар қимматли қоғоз эгалари манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган. Қимматли қоғозлар билан чакана савдо қиладиган фонд дўконлари ва бошқа бўлинулариимиз фаолият қўрсатиш назарда тутилган.

Андеррайтингли вазифаси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкчилик савдоси қонунини бириктириб қўйилганлиги масаланинг муҳим жиҳати бўлди. У

тиронини назарда туталдиган американа нусха асосига қурилган. Бошқа қорхона ва акционерлар бозорига йўналтирилди. Бу жараёни иқтисодий ва ташкилий чоралар билан раъбатлантириш борадиган бир неча бор уринишлар натижа бермади. Бунинг энг муҳим 1994 йилнинг нояб-декабрида Ўзбекистоннинг иқтисодий делегацияси Франкфурт фонд биржасига ташрифи чоғида топилди. Бу биржалар савдосига фақат банклар иштирок этди. Улар билан эса инвесторлар ҳам ҳамкорлик қилишди. Қимматли қоғозлар бозорини бундай йўсунда ташкил этиш бизнинг республикамиз учун анча мақбулдир. Чунки банклар ҳар бир инвестор ва эмитент учун таниш ва одағий институтдир. Ва уларнинг бозорга киришлари учун йўл очқилиши битим ва шартномаларнинг қўйилишида қат-

та роль ўйнайди. Шу муносабат билан ўтган йилдан бошлаб тегишли тайёрликлардан сўнг банклар биржа ишида қатнашадиган бўлишга қўлай бўлибди. Бундан улар нафақат ўзларининг, балки дилер ва брокерлар ролини бажариб, ўзгаларнинг акцияларини ҳам сотдилар. Натيجида биржалдан савдо ҳам кескин ошди. Негаки, банклар тизимисидан биз энди қатта саломқилди, хоҳлаган йирик акцияларнинг сотиб олинган, уларнинг маълум вақт қақлаб туриб, қайталан савдатнинг йирик инвесторларга эга бўлдиқ. Бу, сўз-си, иқтисодий бозорни ривожлантирди, уни ишлаб чиқаришни дастлабки иқтисодий натижаларни қўрсатмоқда.

Қонунда ўз аксини топган иккинчи муҳим нарсаси шунки, биржа бозорини ривожлантириш, яъни аҳолига қўлайлик акциялар сотиш ва уларни сотиб олиш назарда тутилган.

Воқеанич, маслаҳатчи ташкилотлар, инвестиция компаниялари ва фондларнинг фаолият шакллари қонунда белгилаб қўйилган. Қимматли қоғозларнинг ҳисобга олиш ва ишраини таъминловчи депозитор фаолият, шунингдек, акционерлар реестрини олиб бериш ташкилотларга эга солинган. Бу нормалар қимматли қоғоз эгалари манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган. Қимматли қоғозлар билан чакана савдо қиладиган фонд дўконлари ва бошқа бўлинулариимиз фаолият қўрсатиш назарда тутилган.

Андеррайтингли вазифаси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкчилик савдоси қонунини бириктириб қўйилганлиги масаланинг муҳим жиҳати бўлди. У

БИРИНЧИ ЧАҚИРИК Олий Мажлисининг бешинчи сессиясида «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият қўрсатиш тамойиллари тўғрисида»ги Қонун ҳам қабул қилинди. У Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси томонидан ишлаб чиқилди. Лойиҳани тайёрлаган ишчи гуруҳи таркибиде депутатлар ҳамда қимматли қоғозлар бозорини ташкил этиш соҳаси бўйича мутахассислар иштирок этдилар. Бугун газета лойиҳани тайёрлаш жараёни қатнашчиларидан бири, иқтисод фанлари номзоди Виктор ИВОННИНга минбар беради.

— РЕСПУБЛИКАНИНГ қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш борасида бирламчи ва, айниқса, акциялар бозорини оёққа турганиш юзасидан жуда мураккаб жараёнлар кечмоқда. Қимматли қоғозларнинг бошқа турлари борасида жиддий муаммолар йўқ ҳисоби. Облигациялар бизга режалли иқтисодий даврдан бунён таниш. 20-30-йилларда республика худудда векселлар, казначейчи мабуриятлари, депозитли сертификатлар муомаласи бўлган. Бу қимматли қоғозлар ўтган йилдан бошлаб республика бозориде фаол ишлаб бошладил ва ҳозирдан қорхоналар ўртасида туланмаган қарзларнинг қамайишига сезиларли ҳисса қўймоқда.

Акциялар масаласида аҳоли бошқача. Бу борада биз бирйўла икки масалани ҳал этмоқчимиз. Бир томондан, давлат мол-мулкнинг хусусий қўлга кўлиниши шаклида олга бериб, ўрта мулкдорлар синфини шакллантиришмоқчимиз. Иккинчи томондан, акциялардан инвестициявий кузол сифатида фойдаланиб, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга инвестицияни жалб этмоқчимиз. Ҳозирги пайтда муаммонинг фақат битта жиҳати — давлат мол-мулкнинг пайларга тақсимлаш ҳал этилмоқда. Ва акция лез алаудуви бу пайлар ўзининг инвестициявий ролини бажармайди. Шунингдек, муомала қуролли вазифасини ҳам ўтмайди. Бинобарин, жиддий қилиб айтганда, пай ҳозир акция ҳисобланмайди. Бир томондан, бу — табиий

ҳол, чунки ҳозир мол-мулкни тақсимлашнинг бошланғич босқичи давом этмоқда. Бироқ иккинчи томондан, шу босқичдаёқ

риш фаолияти билан шуғуланмиш келди. Одатда бу вазифани фақат махсус тузилган андеррайтинг компаниялари бажара

тамоийлини бошқача йўсунда ишга солиб, акцияни аниқ инвестициявий кузолга айлантириш мумкин эди. Ҳозир эса пайлар қақлаш ва жамғариш воситаси бўлиб турибди. Маълумки, ҳар қандай бозор товар ва жойнинг, сотиш шакли ва худуднинг нақднинг назарда тутилган. Товар сифатида ҳозир биз мол-мулкка инебатан пайга эгамиз. Республикада уни сотиш жойи эса фонд биржаси ҳисобланади. Бироқ қалесик кўринишдаги биржа эса пайин эмас, балки акцияларни сотишни ташкил этишни таъминлаш лозим. Дунёдаги барча биржалар қатори акцияларнинг иқтисодий бозорини (уларнинг олди-сотиқини) уюштиришга даъват этилган республика «Тошкент» биржаси ҳам сўнгги пайларга қўйилган хос бўлмаган пайларини бирламчи жойлашти-

ди. Қимматли қоғозлар бозориде акциялар билан операциялар ўтказиш ҳамма паст, у республиканинг бугунги инвестиция эҳтиёжларини қандирмайди.

Акцияларнинг бирламчи бозорини шакллантириш тамойил борасида назарий қатарлар ҳам ишни қўйилтиришмоқда. Уларнинг атайлаб нархи пайлар операциялар ўтказишда солиқлардан тўла олод этилганлиги қорхоналар учун уларнинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний ишдан чиққан ускуналар ва технологиялар билан қўшиб сотиб олишни фойдалиб қилиб қўймоқда. Бу иқтисодийнинг ишлаб чиқариш соҳаси ривожини қўзи бошланғич тўнақоқ бўлиб қолди. Негаки, унинг ривожини авылгадек, кам самарали ва экс-

лағлари етишмаслиги боис иқтисодийда инновация, янги техника ва технологиянинг жорий этили, ишлаб чиқаришни жадлантириш борасида йўнақ бўлган ўзининг қулайлигини ролини ўйнамоқда.

Олий Мажлисининг йилда бўлиб ўтган сессиясида қабул қилинган «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият қўрсатиш тамойиллари тўғрисида»ги Қонун кенгайтириш жараёнида аниқгина узатришлар киритилди. Маълумки, бозорнинг ўзи икки қисмга бўлинади. Биринчиси шахсий ташкил этилган (биржа) бўлиб, унда қимматли қоғозлар сотилди ва сотиб олинди, одағий инвестор (аҳоли) учун унга йўл йўқ. Иккинчи томондан, биржалдан ташқари бозорга ҳамма фуқаро ва акционерлар учун йўл очилди.

Янги қонунда ташкиллашти-

ФОНД БОЗОРИ: ЯНАДА САМАРАЛИ МОДЕЛЬ САРИ

Олий Мажлис сессиясидан кейинги ўйлар

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий – тадқиқот институтлари ва илмий – ишлаб чиқариш бирлашмалари қўйидаги ихтисосликлар бўйича 1996 йилда аспирантура ва докторантураларга ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

В. И. РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Математик анализ; Дифференциал тенглалар; Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика; Ҳисоблаш математикаси ихтисосликларига (қундузги бўлим).

Докторантурага: Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика ихтисослигига.

Манзил: 700143, Тошкент, Мирзо Улугбек тумани, Ф. Ҳужаев кўчаси, 29-уй. Қабул комиссияси телефони: 62-56-94.

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Назарий физика; Каттик жисм физикаси; Ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси; Ядро ва элементар заррачалар физикаси; Аналитик кимё ихтисосликларига (қундузги бўлим).

Қаттик жисм физикаси; Радиоактив ихтисосликларига (сиртки бўлим).

Докторантурага: Назарий физика; Каттик жисм физикаси; Ядро ва элементар заррачалар физикаси ихтисосликларига.

Манзил: 702132, Тошкент, Мирзо Улугбек тумани, Улугбек кўчаси, 29-уй. Қабул комиссияси телефони: 64-15-52.

ЭЛЕКТРОНИКА ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Физикавий электроника; Каттик жисм физикаси ихтисосликларига (қундузги ва сиртки бўлимларга).

Манзил: 700125, Тошкент, Мирзо Улугбек тумани, Ф. Ҳужаев кўчаси, 33-уй. Қабул комиссияси телефони: 62-79-40.

ИССИКЛИК ФИЗИКАСИ БЎЛИМИ

Аспирантурага: Каттик жисм физикаси; Иссиқлик физикаси ва молекуляр физика; Лазер физикаси ихтисосликларига (қундузги бўлим).

Қаттик жисм физикаси ихтисослигига (сиртки бўлим).

Докторантурага: Иссиқлик физикаси ва молекуляр физика ихтисослигига.

Манзил: 700135, Тошкент, Чиланзор тумани, Қатортол кўчаси, 29-уй. Қабул комиссияси телефони: 76-44-57.

«ФИЗИКА – КУЁШ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Аспирантурага: Каттик жисм физикаси; Ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси; Ядро ва элементар заррачалар физикаси; Қайта тикланадиган энергия турларини ўзгартириш ва улар асосидаги қурилмалар ихтисосликларига (қундузги бўлим).

Ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси; қайта тикланадиган энергия турларини ўзгартириш ва улар асосидаги қурилмалар ихтисосликларига (сиртки бўлим).

Докторантурага: Ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси ихтисослигига.

Манзил: 700084, Тошкент, Юнусобод тумани, Ф. Мавлонов кўчаси, 26-уй. Қабул комиссияси телефони: 33-12-71.

АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Астрономия ва коинот механикаси; Астрофизика, радиоастрономия ихтисосликларига (қундузги бўлим).

Астрофизика, радиоастрономия ихтисослигига (сиртки бўлим).

Манзил: 700052, Тошкент, Юнусобод тумани, Астрономия кўчаси, 33-уй. Қабул комиссияси телефони: 35-06-38.

«АКАДЕМАСБОБ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Аспирантурага: Физикавий электроника; Оптика ихтисосликларига (қундузги бўлим).

Манзил: 700143, Тошкент, Мирзо Улугбек тумани, Академиклар шаҳарчаси. Қабул комиссияси телефони: 62-72-73.

М. Т. ҲАЖИЕВ НОМИДАГИ МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК МУСТАХКАМЛИГИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Деформацияланувчан қаттик жисм механикаси; Суюқлик, газ ва плазма механикаси; Машиналар, асбоблар ва ускуналар динамикаси ва мустахкамлиги; Механизмлар ва машиналар назарияси; Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг механизациялаш; Асос ва пойдеворлар ихтисосликларига (қундузги бўлим).

Докторантурага: Деформацияланувчан қаттик жисм механикаси; Машиналар, асбоблар ва ускуналар динамикаси ва мустахкамлиги ихтисосликларига (қундузги бўлим).

Манзил: 700041, Тошкент, Мирзо Улугбек тумани, Н. Ҳожибеков кўчаси, 49-уй. Қабул комиссияси телефони: 62-65-16.

соликларига (қундузги бўлим).

Деформацияланувчан қаттик жисм механикаси; Суюқлик, газ ва плазма механикаси; Енгил саноат машиналари ва агрегатлари; Механизмлар ва машиналар назарияси; Қишлоқ хўжалиги ва гидромелиорация машиналари; Асос ва пойдеворлар; Қурилиш механикаси ихтисосликларига (сиртки бўлим).

Докторантурага: Деформацияланувчан қаттик жисм механикаси; Машиналар, асбоблар ва ускуналар динамикаси ва мустахкамлиги ихтисосликларига.

Манзил: 700143, Тошкент, Мирзо Улугбек тумани, Ф. Ҳужаев кўчаси. Қабул комиссияси телефони: 62-71-32.

«КИБЕРНЕТИКА» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Аспирантурага: Алоқа тармоқлари, бўлимлари ва ахборотни тақсимлаш; Техника тизимларида бошқарув; Бошқарувнинг автоматлаштирилган тизимлари; Биология ва табиийёт тизимларида бошқарув (ҳисоблаш техникасининг қўллаган ҳолда); Ижтимоий ва ихтисодий тизимларда бошқарув; Лойиҳаланиш автоматлаштириш тизимлари; Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари, тизимлари ва тармоқлари; Ахборотни қайта ишлаш ва бошқариш тизимлари; Илмий-тадқиқотларда ҳисоблаш техникасини, математик моделлаштириш ва математик усуллари, сонли усуллар ва дастурлар мажмуалари ихтисосликларига (қундузги бўлим).

Алоқа тармоқлари, бўлимлари ва ахборотни тақсимлаш; Техника тизимларида бошқарув; Бошқарувнинг автоматлаштирилган тизимлари; Биология ва табиийёт тизимларида бошқарув (ҳисоблаш техникасининг қўллаган ҳолда); Ижтимоий ва ихтисодий тизимларда бошқарув; Ахборотни қайта ишлаш ва бошқариш тизимлари; Илмий-тадқиқотларда ҳисоблаш техникасини, математик моделлаштириш ва математик усуллари, сонли усуллар ва дастурлар мажмуалари ихтисосликларига (қундузги бўлим).

Алоқа тармоқлари, бўлимлари ва ахборотни тақсимлаш; Техника тизимларида бошқарув; Бошқарувнинг автоматлаштирилган тизимлари; Биология ва табиийёт тизимларида бошқарув (ҳисоблаш техникасининг қўллаган ҳолда); Ижтимоий ва ихтисодий тизимларда бошқарув; Ахборотни қайта ишлаш ва бошқариш тизимлари; Илмий-тадқиқотларда ҳисоблаш техникасини, математик моделлаштириш ва математик усуллари, сонли усуллар ва дастурлар мажмуалари ихтисосликларига (қундузги бўлим).

Алоқа тармоқлари, бўлимлари ва ахборот тақсимлаш; Техника тизимларида бошқарув; Бошқарувнинг автоматлаштирилган тизимлари; Биология ва табиийёт тизимларида бошқарув (ҳисоблаш техникасининг қўллаган ҳолда); Ижтимоий ва ихтисодий тизимларда бошқарув; Ахборотни қайта ишлаш ва бошқариш тизимлари; Илмий-тадқиқотларда ҳисоблаш техникасини, математик моделлаштириш ва математик усуллари, сонли усуллар ва дастурлар мажмуалари ихтисосликларига (қундузги бўлим).

Манзил: 700143, Тошкент, Мирзо Улугбек тумани, Ф. Ҳужаев кўчаси, 34-уй. Қабул комиссияси телефони: 62-72-47.

ЭНЕРГЕТИКА ВА АВТОМАТИКА ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Электр-техника мажмуалари ва тизимлари, уларни бошқариш ва ростлашни ичига олган ҳолда; Техника тизимларида бошқарув; Юқори кучли энергия техникаси; Атроф-муҳитни муҳофаза қилувчи техникавий воситалар ихтисосликларига (қундузги бўлим).

Юқори кучли энергия техникаси ихтисослигига (сиртки бўлим).

Манзил: 700143, Тошкент, Мирзо Улугбек тумани, Академиклар шаҳарчаси. Қабул комиссияси телефони: 62-05-22.

СУВ МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси; Қуруқлик гидрологияси, сув ресурслари ва гидромелиорация; Атроф-муҳитни муҳофаза қилувчи табиий ресурслардан оқилонга фойдаланиш ихтисосликларига (қундузги бўлим).

Докторантурага: Қуруқлик гидрологияси, сув ресурслари, гидромелиорация ихтисослигига.

Манзил: 700000, Тошкент, Я. Колас кўчаси, 24-уй. Қабул комиссияси телефони: 33-83-88.

Ҳ. АБДУЛЛАЕВ НОМИДАГИ ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Минерология ва кристаллография ихтисослигига (қундузги бўлим).

Манзил: 700041, Тошкент, Мирзо Улугбек тумани, Ф. Ҳужаев кўчаси, 49-уй. Қабул комиссияси телефони: 62-65-16.

Ҳ. АБДУЛЛАЕВ НОМИДАГИ СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Геокимё; Геофизика; Табиий география, ландшафтлар геофизикаси ва геокимёси; Ихтисодий ва ижтимоий география ихтисосликларига (қундузги бўлим).

Геофизика ихтисослигига (сиртки бўлим).

Докторантурага: Фойдала қазилма конларини излаш ва қидиришнинг геофизик усуллари ихтисослигига.

Манзил: 700128, Тошкент, Шайхонтоҳур тумани, М-12, Хуршид кўчаси, 3-уй. Қабул комиссияси телефони: 41-50-70.

ЎСИМЛИК МОДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Органик кимё; Биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол моддалар кимёси; Ботаника ихтисосликларига (қундузги бўлим).

Манзил: 700170, Тошкент, Мирзо Улугбек тумани, Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 77-уй. Қабул комиссияси телефони: 62-59-13.

ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Юқори молекуляр бирикмалар кимёси ихтисослигига (қундузги ва сиртки бўлимларга).

Докторантурага: Полимерлар физикаси ихтисослигига.

Манзил: 700128, Тошкент, Шайхонтоҳур тумани, А. Қодирий кўчаси, 7-уй. Қабул комиссияси телефони: 41-70-80.

А. СОДИҚОВ НОМИДАГИ БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол моддалар кимёси ихтисослигига (қундузги бўлим).

Докторантурага: Биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол моддалар кимёси ихтисослигига.

Манзил: 700170, Тошкент, Мирзо Улугбек тумани, Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 83-уй. Қабул комиссияси телефони: 62-70-62.

КИМЁ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Ноорганик кимё; Физикавий кимё; Электр-кимё; Коллоид ва мембрана кимёси; Кимёвий технология ускуналари ва жараёнлари; Силикат ва қийин эрийдиган нometалл материаллар технологияси ихтисосликларига (қундузги бўлим).

Докторантурага: Коллоид ва мембрана кимёси ихтисослигига.

Манзил: 700170, Тошкент, Мирзо Улугбек тумани, Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 77-«А» уй. Қабул комиссияси телефони: 62-56-60.

ЎФИТЛАР ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Экология; Ноорганик моддалар технологияси; Минерал ўғитлар технологияси; Агрокимё ихтисосликларига (қундузги бўлим).

Ноорганик моддалар технологияси ихтисослигига (сиртки бўлим).

Докторантурага: Ноорганик моддалар технологияси ихтисослигига.

Манзил: 700407, Тошкент, Миробод тумани, Охунбоев кўчаси, 118-уй. Қабул комиссияси телефони: 33-39-50.

«БИОЛОГ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Аспирантурага: Молекуляр биология; Ўсимликлар физиологияси; Генетика ихтисосликларига (қундузги бўлим).

Ўсимликлар физиологияси; Генетика ихтисосликларига (сиртки бўлим).

Докторантурага: Ўсимликлар физиологияси; Генетика ихтисосликларига.

Манзил: 700143, Тошкент, Мирзо Улугбек тумани, Ф. Ҳужаев кўчаси, 28-уй. Қабул комиссияси телефони: 62-58-21.

МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Биокимё; Микробиология; Биотехнология ихтисосликларига (қундузги бўлим).

Докторантурага: Биотехнология ихтисослигига.

Манзил: 700128, Тошкент, Шайхонтоҳур тумани, А. Қодирий кўчаси, 7-уй. Қабул комиссияси телефони: 44-25-19.

БОТАНИКА ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Ботаника ихтисослигига (қундузги ва сиртки бўлимларга).

Докторантурага: Ботаника ихтисослигига.

Манзил: 700143, Тошкент, Мирзо Улугбек тумани, Ф. Ҳужаев кўчаси, 32-уй. Қабул комиссияси телефони: 62-70-65.

Биокимё ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Биокимё; Хужайра биологияси ихтисосликларига (қундузги бўлим).

Докторантурага: Биокимё; Хужайра биологияси ихтисосликларига.

Манзил: 700125, Тошкент, Мирзо Улугбек тумани, Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 56-уй. Қабул комиссияси телефони: 62-25-66.

ФИЗИОЛОГИЯ ВА БИОФИЗИКА ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Биофизика; Одам ва ҳайвонлар физиологияси ихтисосликларига (қундузги бўлим).

Манзил: 700095, Тошкент, Собир Раҳимов тумани, Ниёзов кўчаси, 1-уй. Қабул комиссияси телефони: 46-90-12.

ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Тупроқшунослик; Агропроқшунослик ва агрофизика; Агрокимё ихтисосликларига (қундузги бўлим).

Тупроқшунослик; Агрокимё ихтисосликларига (сиртки бўлим).

Докторантурага: Тупроқшунослик ва агрокимё ихтисослигига.

Манзил: 700095, Тошкент, Собир Раҳимов тумани, Қамарисо кўчаси, 3-уй. Қабул комиссияси телефони: 46-02-63.

ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Зоология; Паразитология ихтисосликларига (қундузги бўлим).

Зоология ихтисослигига (сиртки бўлим).

Докторантурага: Зоология ихтисослигига.

Манзил: 700095, Тошкент, Собир Раҳимов тумани, Ниёзов кўчаси, 1-уй. Қабул комиссияси телефони: 46-09-00.

ГЕНЕТИКА ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Генетика; Молекуляр генетика ихтисосликларига (қундузги бўлим).

Докторантурага: Генетика; Молекуляр генетика ихтисосликларига.

Манзил: 702151, Тошкент, Вилоти, Қўйраб тумани, с/б Юқориоз. Қабул комиссияси телефони: 64-23-90.

Ф. И. РУСАНОВ НОМИДАГИ БОТАНИКА БОҒИ

Аспирантурага: Ботаника ихтисослигига (қундузги бўлим).

Манзил: 700053, Тошкент, Юнусобод тумани, Ж. Обидова кўчаси, 232-уй. Қабул комиссияси телефони: 35-06-13.

ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Эндокринология ихтисослигига (қундузги бўлим).

Докторантурага: Эндокринология ихтисослигига.

Манзил: 700125, Тошкент, Мирзо Улугбек тумани, Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 56-уй. Қабул комиссияси телефони: 62-27-02.

ОНКОЛОГИЯ ВА РАДИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Онкология ихтисослигига (қундузги бўлим).

Манзил: 700095, Тошкент, Собир Раҳимов тумани, Форобий кўчаси, 383-уй. Қабул комиссияси телефони: 46-25-25.

ВИРУСОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Вирусология; Юқумли касалликлар; Эпидемиология ихтисосликларига (қундузги бўлим).

Докторантурага: Юқумли касалликлар ихтисослигига.

Манзил: 700133, Тошкент, Решетов кўчаси, 2-уй. Қабул комиссияси телефони: 74-77-55.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАБИИЙ-ТАҶРИБА КЛИНИКАСИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Микробиология; Педиатрия; Онкология ихтисосликларига (қундузги бўлим).

Акушерлик ва гинекология; Хирургия ихтисосликларига (сиртки бўлим).

Манзил: 724000, Нукус, Бердах шўх кўчаси, 41-уй. Қабул комиссияси телефони: 7-68-22.

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Ватан тарихи; Этнология; Тарихнавислик, манбаъшунослик ва тарихий тадқиқот усуллари ихтисосликларига (қундузги бўлим).

Докторантурага: Ватан тарихи; Этнология ихтисосликларига.

Манзил: 700170, Тошкент, Мирзо Улугбек тумани, И. Мўминов кўчаси, 9-уй. Қабул комиссияси телефони: 62-39-73.

А. НАВОИЙ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Ҳозирги миллий адабиёт; Миллий адабиёт тарихи; Адабиёт назарияси; Фольклоршунослик ихтисосликларига (қундузги бўлим).

Докторантурага: Ҳозирги миллий адабиёт; Миллий адабиёт тарихи;

Докторантурага: Биокимё; Хужайра биологияси ихтисосликларига.

Манзил: 700125, Тошкент, Мирзо Улугбек тумани, Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 56-уй. Қабул комиссияси телефони: 62-25-66.

ФИЗИОЛОГИЯ ВА БИОФИЗИКА ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Биофизика; Одам ва ҳайвонлар физиологияси ихтисосликларига (қундузги бўлим).

Манзил: 700095, Тошкент, Собир Раҳимов тумани, Ниёзов кўчаси, 1-уй. Қабул комиссияси телефони: 46-90-12.

ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Тупроқшунослик; Агропроқшунослик ва агрофизика; Агрокимё ихтисосликларига (қундузги бўлим).

Тупроқшунослик; Агрокимё ихтисосликларига (сиртки бўлим).

Докторантурага: Тупроқшунослик ва агрокимё ихтисослигига.

Манзил: 700095, Тошкент, Собир Раҳимов тумани, Қамарисо кўчаси, 3-уй. Қабул комиссияси телефони: 46-02-63.

ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Зоология; Паразит

